

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019. Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БОЙНАЗАРОВ ОДИЛ ШАРОФОВИЧ

**ЯНГИ ЎРТА ВА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ПАРВАРИШЛАШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

УЎТ: 633.511:631.521.631.82

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on
agricultural sciences**

Бойназаров Одил Шарофович

Янги ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг парваришлаш
агротехнологияси элементларини ишлаб чиқиш 3

Бойназаров Одил Шарофович

Разработка элементов агротехнологии возделывания новых средне и
тонковолокнистых сортов хлопчатника 21

Boynazarov Odil Sharofovich

Producing of elements of agrotechnology for the care of new varieties of
medium and fine-fiber cotton..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019. Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БОЙНАЗАРОВ ОДИЛ ШАРОФОВИЧ

**ЯНГИ ЎРТА ВА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ ПАРВАРИШЛАШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4. PhD/Qx154 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бақарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.psuuaiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Болтаев Сайдулла Махсудович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Ўразматов Назиржон қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим Ҳасанов Мақсуд Марифович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етабчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 4 » « 05 » соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: riim@agro/uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 103 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Окковок к.ф.й, ЎзПТИИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2021 йил « 19 » апрель куни тарқатилди.
(2021 йил « 19 » апрелдаги № 1 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н. Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси к.х.ф.д., профессор

Ф.М. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби к.у.ф.и., профессор

Ж.Х. Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг Осиё, Америка, Африка, Австралия ва Европа китъаларининг 90 дан ортиқ мамлакатларда ғўза етиштирилиб, жами 31,8 млн. гектарни эгаллайди. «Пахта толаси етиштириш ҳажми бўйича Хитойда 5987,0 минг тонна, ҳосил олиниб, шундан 8,8 минг, Ҳиндистонда 6205,0 минг тоннанинг, 3,6 минг, Покистонда 1785,0 минг тоннанинг, 2,2 минг тоннаси ингичка тола ҳосилини ташкил этади»¹. Жаҳон мамлакатларида ғўза парваришида янги замонавий инновацион ресурстежамкор агротехнологиялари элементларини такомиллаштириш ҳисобига ғўзадан юқори ҳосил олишда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда пахта етиштирувчи мамлакатларда иқлимнинг глобал ўзгариши шароитида ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан турли тупроқларда ғўзанинг тезпишар ва серҳосил янги навларини етиштиришда бир марталик суғориш мавсумий суғориш ва йиллик минерал ўғитларни қўллашда экинларнинг алоҳида биологик хусусиятларини иноботга олган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикаимиз пахтачилигида ер, сув ва табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳисобига мўл ҳамда сифатли, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган пахта ҳосили етиштиришни таъминлай оладиган янги технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида янги ғўза навларининг замонавий агротехнологияларини жорий этиш»га алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб берилган². Шунинг учун республикаимизнинг пахта майдонларида етиштириладиган ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, мақбул кўчат қалинлиги, ўғит (NPK) меъёрлари ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ҳамда ишлаб чиқилган инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ–4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ <https://www.agrochart.com/en/news/3963/pakistan-cotton-and-products-annual-mar-2014.html>,
http://agricoop.nic.in/sites/default/files/pocketbook_0.pdf (110-бет) <https://www.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data.pdf>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг турли тупроқ иқлим шароитларида ҳар хил ғўза навларини парваришlash агротехнологиялари бўйича В.П.Кондратюк, С.Х.Юлдашев, К.М.Мирзажанов, А.Э.Авлиякулов, Г.А.Безбородов, Б.С.Мамбетназаров, Ш.Н.Нурматов, Н.М.Ибрагимов, О.Махмудов, Б.И.Ниязалиев, М.А.Авлиякулов, Б.Х.Тиллабеков, Б.С.Камилов, М.М.Хасанов, ва чет эл олимлардан Ruisen Zhong, Fuqiang Tian, Pengnian Yang, And Qiuxiang Yi, J.B.Kincer, D.M.Simpson, J.Derek, W.J.Balls, G.C.Ewing каби олимлар томонидан изланишлар олиб борилиб, юқори илмий натижаларга эришилган.

Лекин, Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитларида ғўзанинг янги ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 навларининг ўғит меъёрлари, суғориш тартибларига кўчат қалинлиги мутаносиблигини аниқлаш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №КХА-9-077-2015 “Мамлакатимизда курғоқчиликка, турли даражада кам, ўртача, кучли шўрланган ерларида янги истикболли I, II, III, IV ва V типларга мансуб ўрта ва ингичка толали ғўза навлари бирламчи супер элита, элита, R₁ уруғчилиги-парвариши агротадбирлари тизимини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2017 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ген-нокаут усулида яратилган, Порлоқ-1 ва янги ингичка толали СТ-1651 ғўза навларини парваришlash агротехникаси элементларининг мақбул кўчат қалинлиги, ўғит меъёрлари ва суғориш тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрганилаётган янги ғўза навларида сув, ўғит меъёрлари ва кўчат қалинлигининг тупроқ унумдорлиги, яъни гумус, NPK нинг ялпи ва ҳаракатчан шакллари таъсирини аниқлаш;

оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрганилаётган ғўза навларида, мавсумий суғориш меъёрлари, турли кўчат қалинлигининг тупроқ ҳажм массаси, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш;

янги ғўза навларини етиштиришда бир марталик суғориш, мавсумий суғориш ва йиллик минерал ўғитларни қўллаш меъёрларини аниқлаш;

турли сув ва минерал озика меъёрлари ҳамда ҳар хил кўчат қалинлигининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, бир дона кўсақдаги пахта вазнига таъсирини аниқлаш;

ҳар хил сув-озика (НРК) меъёрлари ва кўчат қалинлигининг ғўза навлари ҳосилдорлигига, толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

янги ғўза навларида қўлланилган агротадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилоятининг кучсиз шўрланган, оч тусли бўз тупроқлари, ген-нокаут усулида яратилган ўрта толали Порлоқ-1, ингичка толали СТ-1651 ғўза навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўза навларининг сув истеъмоли, суғориш тартиби, ўғит меъёрлари ва кўчат қалинлигининг ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатига таъсир этувчи агротадбирлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ўсимликнинг биометрик ўлчавлари, тупроқ, ўсимлик намуналарини, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида (Б.А.Доспехов) услубий қўлланмалар асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Сурхондарё вилоятининг сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 метрда жойлашган, оч тусли бўз тупроқлари шароитида ген-нокаут усулида яратилган Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротадбирлари ишлаб чиқилган;

ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 ғўза навларининг мақбул ўсиш ривожланиши учун гектарига кўчат қалинлиги 110-120 минг мақбуллиги аниқланган;

ўрганилган ғўза навларидан, юқори ва сифатли ҳосил олиш учун минерал ўғитлар меъёри ўрта толали Порлоқ-1 навида $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га, ингичка толали СТ-1651 нави учун $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га эканлиги аниқланган;

ўтлоқилашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 ғўза навларини парваришlashда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да мавсумда Порлоқ-1 ғўза нави учун 2630 м³/га СТ-1651 нав учун эса 2740 м³/га сув сарфи мақбуллиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроқнинг ҳажм массаси вариантларда мавсум охирида ҳам кўчат қалинликларига кўра фарқланганлиги кузатилиб, кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг тупдан 110-120 минг туп/га оширилганда суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-65% ва 70-75-

65% бўлганда тупроқнинг ҳайдов қатламида 0,01-0,02 г/см³, ҳайдов остки қатламида 0,02-0,03 г/см³ га камайганлиги исботланган;

Порлоқ-1 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65% дан 70-75-65% га ўзгартирилиб, кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг дан 110-120 мингга оширилганда ҳамда минерал ўғитлар меъёри N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ кг/га дан N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀ кг/га оширилганда пахта ҳосили 35,3 ц/га ни ташкил этиб, суғориш меъёри ҳисобига 1,7 ц/га, минерал ўғитлар ҳисобига 5,4 ц/га ва кўчат қалинлиги ҳисобига 3,3 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги аниқланган;

ингичка толали ғўзанинг СТ-1651 навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да, маъдан ўғитлар меъёри N₁₈₀ P₁₂₀ K₉₀ кг/га дан N₂₃₀ P₁₆₀ K₁₁₅ кг/га оширилганда бир дона кўсақдаги пахта вазни 0,2-0,3 граммга ортган. Кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га оширилганда пахта ҳосили 34,5 ц/га ни ташкил этиб, суғориш ҳисобига гектаридан 4,3 ц, минерал ўғитлар ҳисобига 5,7 ц, кўчат қалинлиги ҳисобига эса 3,4 ц ҳосил ошганлиги аниқланган;

олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрганилган иккала ғўза навлари парваришида ғўзанинг кўчат қалинлиги, суғориш ва минерал озиклантиришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда олинган маълумотларни вариацион-статистик таҳлил қилинганлиги, олинган илмий ва амалий натижаларнинг тасдиқланганлиги, олинган маълумотларнинг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, тўпланган маълумотлар, мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга янги ғўза навларининг мақбул парваришlash агротехнологияларини қўллаш соҳасида кенг жорий қилинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ген-нокаут усулида яратилган ғўзанинг ўрта толали Порлоқ-1 ва янги ингичка толали СТ-1651 навларининг кўчат қалинлиги, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари ва уларнинг мутаносиблиги ишлаб чиқилиб, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги ўрта ва ингичка толали ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда мақбул кўчат қалинлиги, суғориш тизими ва минерал ўғитларнинг мақбул йиллик меъёри қўлланилганда юқори ҳосил олингани ҳамда рентабеллик даражаси ортганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида янги ўрта ва ингичка толали ғўза навларидан юқори пахта ҳосили олишда мақбул кўчат қалинлиги, минерал ўғит меъёрлари

хамда суғориш тартиблари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ўрта ва ингичка толали ғўза навларидан юқори пахта ҳосили олиш агротадбирлари асосида «Сурхондарё вилояти оч тусли бўз тупроқларида янги ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 ғўза навларини етиштириш агротадбирлари тўғрисида тавсиянома» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 29 ноябрдаги 02/020-3998-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Сурхондарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида фермер хўжаликлари учун ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 ғўза навларидан юқори ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Порлоқ-1 навидан юқори пахта ҳосили етиштириш агротехнологияси суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да ўтказилиб, минерал озиклантиришнинг N_{200} P_{140} K_{100} кг/га меъёрлари Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида 173,5 гектарга, Ангор туманида 45 гектарга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 29 ноябрдаги 02/020-3998-сон маълумотномаси). Натижада ғўза навидан гектаридан 4,3-5,7 центнергача қўшимча ҳосил олишга эришилган;

ғўзанинг янги ингичка толали СТ-1651 навини парваришлаш агротехнологияси суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да, минерал озиклантиришнинг эса N_{230} P_{160} K_{115} кг/га меъёрда қўллаш Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманида 115,7 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 29 ноябрдаги 02/020-3998-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ғўза навидан 4,9-6,3 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, ишлаб чиқариш шароитида рентабеллик даражаси 37,6% ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ЎзҚХООТИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилган ва яхши баҳоланган, йиллик ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, диссертация ишининг асосий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли тупроқ-иқлим шароитида ғўзани озиклантириш меъёрлари, суғориш тартиблари ва кўчат қалинликлари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалари, яъни ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартиблари ҳамда турли кўчат қалинлиги бўйича олинган маълумотлар баён қилинган.

Адабиётлар шарҳининг хулосасида бу муаммоларни ўрганишни давом эттириш лозимлиги ва янги яратилган ғўза навларининг агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада экилган ғўза навлари тавсифи, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Тадқиқот ўтказилган майдон тупроғининг ҳайдов қатламида (0-30 см) гумус, нитратли азот ва ҳаракатчан фосфор кам, алмашинувчи калий билан ўртача таъминланганлиги аниқланди.

Тажриба бошлашдан аввал тажриба ўтказиладиган далалардан конверт усулида тупроқ намуналари тупроқнинг 0-30, 30-50, 50-70 ва 70-100 см қатламларидан олиниб, умумий чиринди И.В.Тюрин, ялпи азот ва умумий фосфор А.И.Гриценко ва И.М.Мальцев, калий П.В.Протасов ва ҳаракатчан шакллари эса $N-NO_3$ ионометрик асбобда, P_2O_5 Б.Мачигин, алмашинувчан калий K_2O алангали фотометрда, аниқланди. Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги қатламлар бўйича термостат-тарози усулида, тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги цилиндр усулида аниқланган.

Диссертациянинг «**Тажриба даласи тупроқларининг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида суғориш тартиби, кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларининг тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири баён этилган.

Тадқиқотларни ўтказишда амал-ўсув даври бошида умумий фонда

тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30-50, 50-70, 70-100 см) қатламларида тупроқнинг ҳажм массаси аниқланиб, ҳайдов қатламда 1,32 г/см³, ҳайдов ости қатламларида мос равишда 1,40, 1,46 ва 1,39 г/см³ ни ташкил этди.

Тупроқнинг ҳажм массаси мавсум охирида суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-65% да амал даври бошига нисбатан кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилганда ҳайдов қатламида 0,04 г/см³, ҳайдов остки қатламларида 0,08; 0,04 ва 0,01 г/см³ га ошиб, гектарига 110-120 минг туп қолдирилганда эса ҳайдов қатламларига мос равишда 0,03; 0,07; 0,03; ва 0,01 г/см³ га ошганлиги аниқланиб суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-65% да тупроқнинг ҳажм массаси амал даври бошига нисбатан кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га қолдирилганда қатламларга мос равишда 0,05; 0,09; 0,06; ва 0,01 г/см³ га ошган бўлса, гектарига 120 минг туп кўчат қолдирилганда эса мос равишда 0,04; 0,08; 0,05 ва 0,01 г/см³ га ошганлиги аниқланган (1-расм).



1-расм Тажриба даласида тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклигининг ўзгариши 2018 йил

Тажрибада кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг тупга нисбатан 110-120 минг туп қолдирилганда ҳамда суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-65% ва 70-75-65% тартибларда ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида 0,01-0,02 г/см³ яхшиланганлиги кузатилади.

Мавсумий суғоришлар сони ва меъёрининг ортиши натижасида тупроқнинг маълум даражада зичлашишига, лекин минерал ўғитлар меъёри ҳамда кўчат қалинлигининг оширилиши тупроқнинг ҳажм массасининг нисбатан яхшиланишига сабаб бўлган.

Агротехник тадбирларнинг тупроқ ғоваклигининг ўзгаришига таъсири аниқланганда, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65% тартибга нисбатан 70-75-65% га ўтилганда иккала қатламда ҳам 0,4-0,8% га

говакликнинг камайиши кузатилди. Иккала сув тартибида ҳам қўлланилган минерал ўғитлар меъёри ва кўчат қалинликларида тупроқ қатламларида говакликнинг яхшиланганлиги кузатилди. Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65% бўлганда гектарига 80-90 минг кўчат қолдирилган вариантга нисбатан 120 минг кўчат бўлган вариантларда иккала ғўза навида ҳам ҳайдов қатламида говаклик 0,4%, ҳайдов остида 0,3-0,4% га яхшиланди. Шунингдек ЧДНСга нисбатан 70-75-65% ли тартибида ҳам тупроқ говаклиги қисман камайган бўлсада, кўчат қалинликларига кўра қатламларда 0,6-0,4% га ошди.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 2018 йилда Порлоқ-1 ғўза навида амал даври бошида ЧДНСга нисбатан 65-65-65% даги фонда 699 м³, 70-75-65% даги фонда 665 м³/га тенг бўлиб, мавсум охирида суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-65-65% бўлганда гектарига 167 м³, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 70-75-65% бўлганда гектарига 163 м³ кам сув ўтиб, ингичка толали ғўзанинг СТ-1651 нави парваришланган вариантларда эса иккала суғориш тартибларида бу кўрсаткичлар 705-550 ҳамда 670-516 м³/га тенг бўлиб, бу икки тартиб орасидаги фарқ амал даври бошида 35 м³/га, охирида эса 34 м³/га фарқланганлиги кузатилди.

Тажрибада ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да маъдан ўғитлар меъёри N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ кг/га кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг туп бўлган вариантда ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида гумус миқдори 0,612%, 0,520%, азот 0,066%, 0,049%, фосфор 0,108%, 0,083% ни ташкил қилиб, кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг тупга оширилган вариантда тупроқда нисбатан кўпроқ қоладиган ғўза илдиз қолдиқлари ҳисобига гумус ҳайдов қатламида 0,003% ҳайдов остки қатламида 0,001% ошганлиги, азот кўп сонли ўсимликларнинг ўзлаштирганлиги ҳисобига ҳайдов ва ҳайдов ости қатламида 0,002-0,003%га, фосфор миқдори эса 0,003-0,005% га камайганлиги кузатилди.

Шу суғориш тартибида маъдан ўғитлар меъёри N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀ кг/га қўлланилган вариантларда тупроқдаги озика элементлар миқдори кўчат 80-90 минг туп қолдирилганда, гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов ости қатламида 0,618-0,524% азот 0,071-0,053% ва фосфор 0,112-0,086% ни ташкил этиб, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп қолдирилган вариантларда эса ҳайдов қатламида гумуснинг 0,002% га ошганлиги кузатилди.

Порлоқ-1 ғўза навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да маъдан ўғитлар меъёри N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ кг/га дан N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₅ кг/га оширилганда нитратли азот ҳайдов ва ҳайдов ости қатламида 17,8-10,5 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 28,3-13,0 мг/кг, алмашинувчи калий 220-180 мг/кг ташкил этиб, нитратли азот 1,1 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 1,1-0,2 мг/кг алмашинувчи калий ҳайдов қатламида 2,0-4,0 мг/кг маъдан ўғитлар меъёри N₁₅₀ P₁₀₅ K₇₅ кг/га вариантга нисбатан ошганлиги аниқланди.

СТ-1651 нави экилган вариантларда минерал ўғитлар меъёри N₁₈₀ P₁₂₀ K₉₀ дан N₂₃₀, P₁₆₀, K₁₁₅ кг/га оширилганда нитратли азот, ҳайдов қатламида 17,0 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 9,8 мг/кг, ҳаракатчан фосфор қатламларга мос ҳолда 26,9; 12,6; мг/кг ва алмашинувчи калий 218; 162 мг/кг ташкил қилиб,

тупроқнинг ҳайдов қатламида нитратли азот 0,9 мг/кг, ҳайдов ости қатламида 0,5 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 0,5-1,0 мг/кг, алмашинувчи калий ҳайдов қатламида 20 мг/кг кўпроқ тўпланганлиги аниқланди.

Порлоқ-1 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да биринчи маротаба суғоришда даланинг 100 см ҳисобий қатламини намиқтиришда гектарига 1031 м³ сув далага кириб, 149 м³ сув оқовага чиқиб, далада 882 м³/га сув қолди. Иккинчи марта суғоришда даланинг яна шу қатламини намиқтирилганда 1060 м³ сув кириб, 162 м³ сув оқовага чиқиб далада 898 м³/га, сув сингганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Порлоқ-1 ғўза навини парваришlashда суғориш муддатлари, тизими, давомийлиги, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари

Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатн, %	Кўрсаткичлар		Суғоришлар сони ва меъёри, м ³ /га, 2018 й			Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
			1	2	3		
70-75-65	Суғориш санаси		20.06	21.07	4.09	0-2-1	2630
	Суғориш меъёри, м ³ /га	бротто	1031	1060	986		
		нетто	882	898	850		
		оққова	149	162	136		
	Суғориш давомийлиги, соат/мин.		23	20	16		
Суғориш ораси, кун			34	46			
65-65-65	Суғориш санаси		24.06	26.07		0-2-0	2080
	Суғориш меъёри, м ³ /га	бротто	1266	1178			
		нетто	1082	998			
		оққова	184	180			
	Суғориш давомийлиги, соат/мин.		24	20			
Суғориш ораси, кун			35				

2-жадвал

СТ-1651 ғўза навини парваришlashда суғориш муддатлари, тизими, давомийлиги, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари


Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатн, %	Кўрсаткичлар		Суғоришлар сони ва меъёри, м ³ /га, 2018 й			Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
			1	2	3		
70-75-65	Суғориш санаси		18.06	20.07	2.08	0-2-1	2740
	Суғориш меъёри, м ³ /га	бротто	1076	1078	1020		
		нетто	920	930	890		
		оққова	156	148	130		
	Суғориш давомийлиги, соат/мин.		22	20	16		
Суғориш ораси, кун			34	38			
65-65-65	Суғориш санаси		22.06	25.07		0-2-0	2150
	Суғориш меъёри, м ³ /га	бротто	1275	1230			
		нетто	1090	1060			
		оққова	185	170			
	Суғориш давомийлиги, соат/мин.		24	20			
Суғориш ораси, кун			32				

Белгиланган ЧДНС га кўра учинчи маротаба суғоришда даланинг 0-70 см қатламини намиқтириш учун далага 986 м³ сув кириб, оқовага 136 м³ сув чиқиб, далада 850 м³/га сув қолди. Ғўза ўсув даврида 3 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2630 м³/га ни ташкил этди.

Ингичка толали ғўзанинг СТ-1651 навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да гуллаш ва ҳосил тўплаш фазасида 2 марта пишиш фазасида 1 марта суғорилиб биринчи суғоришда далага 1076 м³ сув кириб оқовага 156 м³ сув чиқди далада 920 м³/га қолди. Иккинчи суғоришда далага 1078 м³ сув берилиб, оқовага 148 м³ чиқиб, далада 930 м³/га сув қолди. Учунчи суғоришда далага 1020 сув кириб, оқовага 130 м³ чиқиб, далада 890 м³/га сув қолганлиги аниқланди. Ғўза ўсув даврида 3 марта суғорилиб, мавсумий суғориш миқдори 2740 м³/га ни ташкил этди (2-жадвал).

Ғўзани ЧДНС га нисбатан 65-65-65% ва 70-75-65% да суғорилганда суғориш тартибига мос ҳолда суғориш давомийлиги ўртача 16-24 соатни ташкил этди. Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида сизот сувлари яқин оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 навларини парваришlashда турли озика ва суғориш меъёрлари синовида Порлоқ-1 навида маъдан ўғитлар меъёри N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀ кг/га, СТ-1651 нави учун эса N₂₃₀ P₁₆₀ K₁₁₅ кг/га меъёрларини белгилаш ижобий бўлиб, тупроқда ғўза навлари учун мақбул озикланиш муҳити яратилди.

Диссертациянинг “Сув-озика меъёрлари ва кўчат қалинлигининг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган тўртинчи бобда Сурхондарё вилоятининг сизот сувлари яқин оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 навларини парваришlashда, улардан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда энг мақбул сув-озика меъёрлари ва кўчат қалинлиги аниқланган.




2-расм. Ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навининг бир дона кўсақдаги пахта вазнига сув ва озика тартибларининг таъсири (теримлар бўйича)

Ғўзанинг Порлоқ-1 навини ўсиши-ривожланишида бўйича сентябрь ойида

ўтказилган фенологик кузатувда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65% да, ўғит меъёрлари $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га, кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг туп қолдирилганда, вариантда кўсақлар сони 6,5 дона, кўчат қалинлиги 30 минг тупга оширилганда вариантда эса кўсақлар сони 5,7 донани ташкил қилган. Порлоқ-1 ғўза навининг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% бўлганда кўсақлар сони 0,5-0,2 донага кўпайиб, маъдан ўғитлар меъёри $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га дан $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га оширилганда эса кўсақлар сони 0,6-0,3 донага кўп бўлди.

Ингичка толали СТ-1651 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС нисбатан 65-65-65%, минерал ўғитлар меъёрлари $N_{180} P_{120} K_{90}$ кг/га ва $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га фонидида қўлланилганга нисбатан суғориш тартиби 70-75-65% да минерал ўғит меъёрлари ўзгармаган ҳолда қолдирилганда кўсақлар сони суғориш меъёрига кўра 0,3-0,7 донага кўп бўлганлиги аниқланган.



3-расм. Ингичка толали СТ-1651 ғўза навининг бир дона кўсақдаги пахта вазнига сув ва озик тартибларининг таъсири (теримлар бўйича)


Ғўза навларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да, маъдан ўғитлар меъёри $N_{180} P_{120} K_{90}$ кг/га дан $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га оширилганда, бир дона кўсақдаги пахта вазни 0,2-0,3 граммга ортганлиги аниқланди (2-3-расмлар).

Ғўза навларида қўлланилган суғориш тартиблари, ўғит меъёрлари ҳамда кўчат қалинлигининг пахта ҳосилига таъсири таҳлил қилиниб, ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да, кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг тупда, маъдан ўғитлар меъёри $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га қўлланилган вариантда пахта ҳосили 25,9 ц ни, шу ўғитлар меъёрида кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг тупга оширилган вариантда 28,6 ц/га ни ташкил қилиб, кўчат қалинлиги ҳисобига гектаридан 2,7 ц кўшимча ҳосил олинган. Порлоқ-1 ғўза навида 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида маъдан ўғитлар меъёри $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га оширилган вариантда 30,5 ц/га ҳосил олинди, маъдан ўғитлар меъёри $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га қўлланилган вариантга нисбатан ўғит ҳисобига 4,6 ц/га кўшимча ҳосил олинди. Шунингдек

маъдан ўғитлар меъёри $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га нисбатан $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га бўлганда вариатда эса 33,6 ц/га ҳосил олинди, маъдан ўғитлар ҳисобига 5,0 ц/га, кўчат қалинлиги ҳисобига 3,0 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги аниқланган.

Ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га, маъдан ўғитлар $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га меъёрида қўлланилганда 27,0 ц/га ҳосил олинди, суғориш меъёри ҳисобига 1,1 ц/га, кўчат қалинлиги 120 минг туп/га оширилган вариантда 29,9 ц/га, суғориш ҳисобига ҳосилдорлик 1,3 ц/га, кўчат қалинлиги ҳисобига 2,9 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

Шу суғориш фониди Порлоқ-1 ғўза навини маъдан ўғитлар меъёри $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га оширилган вариантда ҳосил 32,0 ц/га ни ташкил этиб, ўғит ҳисобига 5,0 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Шу ўғит меъёрида кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг оширилган вариантда пахта ҳосили 35,3 ц/га бўлиб, кўчат ҳисобига 3,3 ц/га юқори ҳосил олинганлиги аниқланган (4-расм).




4- расм. Ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навининг пахта ҳосили (2016-2018 йй).

2018 йил $S_d=0,1$ ц, $HCP_{05}=0,22$ ц/га $HCP_{05}=0,77\%$; А. фактир учун $S_d=0,14$ ц, $HCP_{05}=0,3$ ц, $HCP_{05}=1,05\%$. Б. фактир учун $S_d=0,14$ ц, $HCP_{05}=0,3$ ц, $HCP_{05}=1,05\%$; С. фактир учун $S_d=0,14$ ц, $HCP_{05}=0,3$ ц, $HCP_{05}=1,05\%$.

Ингичка толали СТ-1651 ғўза навининг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га, маъдан ўғитлар меъёри $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га қўлланилган вариантда пахта ҳосили гектарига 23,3 ц бўлиб, кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг туп/га оширилган вариантда ҳосил 26,2 ц ташкил қилиб, кўчатлар ҳисобига гектарига 2,9 ц қўшимча ҳосил олинган.

СТ-1651 ғўза навини юқоридаги сув ва кўчат меъёрида, маъдан ўғитларни қўллаш $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га оширилганда 27,0 ц/га ҳосил олинди, маъдан ўғитлар меъёри $N_{180} P_{120} K_{90}$ кг/га нисбатан маъдан ўғитлар ҳисобига 3,7 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га оширилганда

эса 30,2 ц/га ҳосил тўпланиб, кўчат ҳисобига 3,2 ц юқори ҳосил тўпланган.



5- расм. Янги ингичка толали СТ-1651 ғўза навининг ҳосилдорлиги, (2016-2018 йй).

2018 йил $S_d = 0,083$ ц, $HCP_{05} = 0,17$ ц/га $HCP_{05} = 0,65\%$; А. фактир учун $S_d = 0,11$ ц, $HCP_{05} = 0,24$ ц, $HCP_{05} = 0,86\%$. Б. фактир учун $S_d = 0,11$ ц, $HCP_{05} = 0,24$ ц, $HCP_{05} = 0,86\%$; С. фактир учун $S_d = 0,11$ ц, $HCP_{05} = 0,24$ ц, $HCP_{05} = 0,86\%$.

СТ-1651 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% га оширилиб кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га, маъдан ўғитлар меъёри $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га бўлган вариантда пахта ҳосили 31,1 ц/гани ташкил этиб, суғориш ҳисобига 4,1 ц/га, қўлланилган ўғит ҳисобига 5,5 ц/га кўпроқ ҳосил олинган. Шу ўғит меъёрида, кўчат қалинлиги гектарига 120 минг туп/га оширилганда пахта ҳосили 34,5 ц/га ни ташкил этиб, суғориш ҳисобига пахта ҳосили 4,3 ц/га, ўғит ҳисобига 5,7 ц/га, ҳосил олинди 80-90 минг туп/га нисбатан 110-120 минг тупда кўчат қалинлиги ҳисобига 3,4 ц/га кўшимча ҳосил олинганлиги аниқланган (5-расм).

Тола сифати ўрганилган вариантларда ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навини суғоришнинг 65-65-65% тартибига нисбатан 70-75-65% тартибида суғорилганда тола узунлиги 0,1-0,4 мм, толанинг узилиш кучи 0,3 гк, нисбий узулиш кучи 0,8 гк/текс юқори бўлганлиги аниқланди.

Порлоқ-1 навининг икка хил кўчат қалинлигида вариантларда минерал озиклаш $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га га нисбатан $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда тола узунлиги 0,4-0,7 мм, тола узилиш кучи 0,2-0,2 гс, нисбий узилиш кучи 0,2-1,8 гк/текс юқори бўлганлиги аниқланган.

Ғўзанинг СТ-1651 нави суғоришнинг ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да ҳамда мавсумий минерал ўғитларнинг $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га меъёрида толанинг технологик сифат кўрсаткичлари энг яхши бўлиб, 3 вариантда тола узунлиги 38,9 мм, толанинг узилиш кучи 4,4 гк, толанинг нисбий узилиш кучи 34,6

гк/текс, тола чиқими 36,2% ни ташкил этди.

Суғоришни ЧДНС га нисбатан 70-75-65% тартиби ва озиклантиришнинг N₂₃₀ P₁₆₀ K₁₁₅ кг/га меъёридаги вариантда эса тола узунлиги 4,1 мм, толанинг узилиш кучи 4,7 гк, толанинг нисбий узилиш кучи 35,6 гк/текс, тола чиқими 37,6% бўлганлиги аниқланди. Ғўзанинг СТ-1651 навини суғоришни ЧДНС га нисбатан 65-65-65% тартибига нисбатан 70-75-65 % тартибида тола узунлиги 0,3 мм, толанинг узилиш кучи 0,2 гк, толанинг нисбий узилиш кучи 0,5-1,3 гк/текс ва тола чиқими 0,3-0,6 % га ошганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Ғўза навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва ишлаб чиқариш тажрибалари” деб номланган бешинчи бобда Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрта толали Порлоқ-1 ва янги ингичка толали СТ-1651 ғўза навларини парваришида қўлланилган агротадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган. Ўрта толали Порлоқ-1 ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% бўлиб ўғитлар меъёри N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀ кг/га қўлланилганда кўчат қалинлиги 80-90 минг туп бўлган, 8-вариантда шартли соф фойда 2224401 сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 37,6% ни ташкил этиб, ўғит ҳисобига рентабеллик даражаси 7,4% юқори бўлган.

Янги ингичка толали СТ-1651 ғўза нави суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% бўлиб, минерал ўғитлар меъёри N₂₃₀ P₁₆₀ K₁₁₅ кг/га қўлланилганда, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га бўлган 8-вариантда шартли соф фойда 4552575 сўм/га, рентабеллик даражаси эса 56,9% бўлиб, ўғит ҳисобига рентабеллик даражаси 14,2-15,0% га ошди (3-4-жадвал).

3-жадвал.

Порлоқ-1 ғўза навини суғориш, тартиби, маъдан ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда парваришланишнинг иқтисодий самарадорлиги (2016-2018 йй)

Вариант-рақами	Ғўзада қўлланилган минерал ўғит меъёрлари, кг/га			Пахтани ўртача хосили, ц/га	Сотишдан тушган умумий даромад, сўм/га	Ишлаб чиқариш жами харажатлари, сўм/га	Сарф харажатлар			Соф даромад, сўм/га	Рентабеллик даражаси, %
	N	P	K				Сув ҳисобига олинган хосилга қилинган харажат	Ўғит ҳисобига олинган хосилга қилинган харажат	Кўчат қалинлиги бўйича олинган хосилга қилинган харажат		
Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да											
1	150	105	75	25,9	5975200	4925037	-	-	-	1050163	21,3
2				28,6	6598900	5146110	-	221073	1452790	28,2	
3	200	140	100	30,5	7053200	5484639		177500	382102	1568561	28,6
4				33,6	7753900	5733005		177500	630468	2020895	35,3
Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да											
5	150	105	75	27,0	6244700	5070562	50000		95526	1174138	23,2
6				29,9	6906900	5305282	50000	330245	1601618	30,2	
7	200	140	100	32,0	7384300	5651999	50000	177500	499462	1732301	30,6
8				35,3	8146600	5922199	50000	177500	769663	2224401	37,6

Ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибаларда ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навини суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 70-75-65%, озиклантириш N₂₀₀

$P_{140} K_{100}$ кг/га, кўчат қалинлиги 120 минг туп қолдирилганда ҳосилдорлик 32,7 ц/га ниташкил этиб, хўжаликдаги парваришlash технологиясига нисбатан 5,5 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Ингичка толали СТ-1651 ғўза навида суғориш тартиблари ЧДНС га нисбатан 70-75-65% маъдан ўғитлар меъёри $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га, кўчат қалинлиги 120 минг туп бўлганда 31,0 ц/га ҳосил олинди, хўжаликдагига нисбатан 6,3 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги аниқланди.

4-жадвал

СТ-1651 ғўза навини суғориш, тартиби, маъдан ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда парваришlashнинг иқтисодий самарадорлиги (2016-2018 йй)

Вариант рақами	Ғўзада қўлланилган минерал ўғит меъёрлари, кг/га			Пахтани ўртача ҳосили, ц/га	Сотишдан тушган умумий даромад, сўм/га	Ишлаб чиқариш жами ҳаражатлари, сўм/га	Сарф ҳаражатлар			Соф даромад, сўм/га	Рента-беллик даражаси, %
	N	P	K				Сув ҳисобига олинган ҳосилга қилинган ҳаражат	Ўғит ҳисобига олинган ҳосилга қилинган ҳаражат	Кўчат қалинлиги бўйича олинган ҳосилга қилинган ҳаражат		
Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-65% да											
1	180	120	90	23,3	8481200	6848381	-	-	-	1632819	23,8
2				26,2	9536800	7085830	-	-	237449	2450970	34,6
3	230	160	115	27,0	9828000	7341333		190000	315452	2486667	33,9
4				30,2	10992800	7603346		190000	577465	3389454	44,6
Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% да											
5	180	120	90	25,6	9318400	7086702	50000		188322	2231698	31,5
6				28,8	10483200	7348715	50000		450335	3134485	42,7
7	230	160	115	31,1	11320400	7727037	50000	190000	651156	3593363	46,5
8				34,5	12558000	8005426	50000	190000	929545	4552575	56,9

ХУЛОСАЛАР

1. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида янги ўрта толали Порлоқ-1 ва ингичка толали СТ-1651 ғўза навларини парваришlash агротехнологиясида суғоришнинг ЧДНС га нисбатан 65-65-65% ва 70-75-65% тартибларида кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га нисбатан 110-120 минг туп/га қолдирилганда тупроқнинг ҳажим массаси ҳайдов қатламида $0,02 \text{ г/см}^3$ ҳайдов остки қатламларида $0,03 \text{ г/см}^3$ яхшиланганлиги аниқланган.

2. Ўрта толали Порлоқ-1 ғўзада маъдан ўғитлар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га ингичка толали СТ-1651 ғўза навида эса $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га меъёрда қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% бўлганда мавсумда 3 марта 0-2-1 тизимда суғорилиб, Порлоқ-1 навида $2630 \text{ м}^3/\text{га}$, СТ-1651 навида $2740 \text{ м}^3/\text{га}$ мавсумий сув сарфланган.

3. Сизот сувлар сатхи яқин 1,5-2,0 м да жойлашган оч тусли бўз тупроқлар шароитида, ўрганилган ғўза навларида кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га бўлганда ўрта толали Порлоқ-1 навида бир центнер пахта ҳосили учун сарфланган сув миқдори $79,5 \text{ м}^3$, СТ-1651 навида эса $83,5 \text{ м}^3$ га ни ташкил этди.

4. Порлоқ-1 ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% да кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлиб, маъдан ўғитлар

меъёри $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га оширилганда 32,0 ц/га ҳосил олиниб суғоришнинг 65-65-65% тартибига нисбатан 1,5 ц/га, маъдан ўғит меъёри $N_{150} P_{105} K_{75}$ кг/га нисбатан 5,0 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Ўғитлашнинг $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га меъёрида кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг тупга оширилганда пахта ҳосили 35,3 ц/гани ташкил, этиб кўчатлар ҳисобига 3,3 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

5. Ғўзанинг ингичка толали СТ-1651 навини суғориш олди тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-65% дан 70-75-65% га, кўчат қалинлиги 80-90 минг тупдан 110-120 минг тупга ҳамда маъдан ўғитлар меъёрини $N_{180} P_{120} K_{90}$ кг/га дан $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га га оширилганда пахта ҳосили 31,1 ц/гани ташкил этиб, суғориш ҳисобига 4,1 ц/га, ўғитлар ҳисобига 5,5 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Шу ўғит ва суғориш меъёрида кўчат қалинлиги гектарига 120 минг бўлганда пахта ҳосили 34,5 ц/га ташкил этиб, кўчат қалинлиги ҳисобига 3,4 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги исботланган.

6. Янги ғўза навларини минерал озиклантириш, суғориш меъёрлари ва кўчат қалинликларининг тола сифатига таъсири аниқланганда Порлоқ-1 навининг иккала кўчат қалинликларида ҳам маъдан ўғитлар $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га қўлланилиб, суғориш ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибда бўлганда тола чиқими 0,8% га, тола узунлиги 0,5 мм га ва микронейр кўрсаткичи 4,3 дан 4,1 га яхшиланган.

7. Янги ингичка толали СТ-1651 ғўза навини суғоришнинг ЧДНСга нисбатан 65-65-65% тартибига нисбатан 70-75-65% тартибда маъдан ўғитларнинг $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га меъёрида парваришланганда тола узунлиги 0,3 мм, толанинг узилиш кучи 0,2 гс, толанинг нисбий узилиш кучи 0,5-1,3 гк/текс, тола чиқими 0,3-0,6% га ошган.

8. Сурхондарё вилоятининг сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 метрда жойлашган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун:

ген-нокаут усулида яратилган ўрта толали Порлоқ-1 ғўза навини маъдан ўғитлар билан $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантириб, ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибда суғориш ва кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг тупда парваришлаш;

янги ингичка толали СТ-1651 ғўза навини кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг тупда маъдан ўғитлар билан $N_{230} P_{160} K_{115}$ кг/га меъёрда озиклантириш ва ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибда суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019 Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

БОЙНАЗАРОВ ОДИЛ ШАРОФОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭЛЕМЕНТОВ АГРОТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ
НОВЫХ СРЕДНЕ И ТОНКОВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.01–Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2019.4.PhD/Qx154

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ).

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресам www.ziyounet.uz

Научный руководитель: Болтаев Сайдулла Махсудович,
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Уразматов Назиржон
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Хасанов Махсуд Марифович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «4» 05 2021 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: (111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул: УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: riim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована №03) Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «19» 04 2021 года
(реестр протокола рассылки № 1 от 19.04 2021 года)



Ш.Н. Нурматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М. Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х. Ахмедов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время хлопчатник возделывается в Азии, Америке, Африке, Австралии и Европе более чем 90 странах мира, где занимаемая площадь составляет 31,8 млн гектар. Объём возделываемого хлопкового волокна в Китае составляет 5987,0 тысяч тонн, из них тонковолокнистый 8,8 тысяч тонн, в Индии 6205,0 тысяч тонн, и 3,6 тысяч тонн, в Пакистане 1785,0 тысяч тонн и 2,2 тысяч тонн¹. В странах мира при возделывании хлопчатника важной задачей является получение высокого урожая хлопка-сырца за счет усовершенствования элементов современных инновационных ресурсосберегающих агротехнологий.

В странах мира возделывающих хлопчатник в условиях глобального изменения климата особое внимание уделяют разработке передовых методов технологий получения высокого и качественного урожая. С этой точки зрения актуальным является проведение исследований по изучению поливных и оросительных норм, применение минеральных удобрений в зависимости от биологических особенностей культур при возделывании новых скороспелых и высокоурожайных сортов хлопчатника в разных почвенных условиях.

В хлопководстве Республики особое внимание уделяется разработке новых технологий, обеспечивающих получение высокого и качественного урожая хлопка-сырца, отвечающего требованиям мирового рынка за счет рационального и эффективного использования земельных, водных и природных ресурсов. В главе 3.3 Стратегии действия развития Республики Узбекистан предусмотренной на период 2017-2021 годы уделяется особое внимание на «внедрение современных агротехнологий новых сортов хлопчатника в производственной сфере сельского хозяйства»². Поэтому исходя из биологических особенностей сортов хлопчатника, возделываемых на хлопковых полях Республики актуальным является проведение научных исследований по разработке оптимальной густоты стояния, норм минеральных (NPK) удобрений и режима орошения, а также широкое внедрение в производство инновационных разработок.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан от 16 сентября 2019 года за № ПП-4453 «О мерах по развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции» и от 23 октября 2019 года за № 5853 «О утверждении концепции по развитию водного хозяйства Республики Узбекистан предусмотренной на 2020-2030 годы» и других нормативно-правовых документах относящихся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данная работа выполнена в

¹<https://www.agrochart.com/en/news/3963/pakistan-cotton-and-products-annual-mar-2014.html>,
http://agricoop.nic.in/sites/default/files/pocketbook_0.pdf (110-бет) <https://www.com/wp-content/uploads/2018/02/Cotton-Data.pdf>

² Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

